

«ТЕХНОЛОГИЯ» ВА БОШКА ПЕДАГОГИК ТУШУНЧАЛАРНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

Проф. Р.Х. Джураев

Педагогик тизим ва педагогик технология. Педагогик амалиёт ва ўқув-методик адабиётларда педагогик технология атамаси аксарият ҳолларда педагогик тизим тушунчасининг маънодоши сифатида қўлланилади. Лекин уларнинг муайян фарқли жиҳатларга эга эканлигини билиш зарур. Тизим тушунчаси технология тушунчасига қараганда кенгроқ бўлиб, умумий хусусиятга эга. Тизим (грек, systema - қисмлардан ташкил топган, бирлашиш) - ўзаро алоқадор муносабатда бу муайян яхлитлик ва бирликка эга бўлган элементлар йиғиндисини англатади. Масалан, мактаб педагогик тизими бир қанча технологик қаторларни қамраб олади. Ҳар қандай технология тизим бўла олгани ҳолда, ҳар қандай педагогик тизим технология бўла олмайди. Тизим тушунчаси аксарият ҳолларда статик ва тузилишга оид манзараларни тавсифлашга қаратилади, айтилиш вақтда технология фаолият объекти ва субъектида бераётган ўзгаришларни, замондаги эвристик жараёнларини ҳамда барча вазифаларни ақс эттира бориб, режалаштирилган натижаларда эришилган ютуқларни назарда тутди.

Предметли ўқитиш методикаси ва технология. Предметли ўқитиш методикаси нисбатан кенг тарқалган тушунча сифат педагогик мусротехнология тармоғини ифодалайди. Ҳар қандай ўқув фанини ўқитиш методикаси икки қисмдан ташкил топади: улар хусусий ва умумий методикалардир. Кейинги умумдидактик мазмунга эга бўлиб, метатехнология ҳисобланади. «Метатехнология - макротехнология тармоғи - модулли-локал мезотехнология» шажараси машҳур учликдан иборат бўлган «дидактика умумий методика-ўқитишнинг хусусий методикаси» тушунчаларини ўзига қамраб олади. Шу сабабли ҳар бир ўқув фанини ўқитиш методикаси ва ўқитиш технологияси кўпинча ўзаро маънодошлар сифатида қўлланилади. Улар ўртасидаги фарқ, кўпинча қайси жиҳатга урғу берилганлиги билан изоҳланади. Технологияда мақсадли, жараёнли, миқдорли ва ҳисобли жиҳатларга, методикада эса мазмун, сифат ва вариатив хусусиятларга кўпроқ аҳамият берилди.

«Методика» атамаси даражаси ва татбиқ этиш соҳасига кўра миқдорий жиҳатдан кенгроқ аҳамият касб этади.

Ўқув предметларини ўқитиш методикаси - бу, аввало, педагогика фани ва амалиётининг бир қисми бўлиб, ўқувчининг ўқув фани мазмунини ўз мулки қилиб олиши (ўзлаштириши) ва уни амалиётда қўллашига оид қонуниятли (баён қилиш ва ўзлаштириш) жараёнини тадқиқ этади.

Ўқув фанини ўқитиш методикаси ўзида модулли ва ихчам методикани (модул, қисм, мавзунини ўқитиш технологияси, турли машғулот ва кечалар ўтказиш, БКМ, АФС, ЭАС ва б.) жамлайди.

Янада торроқ маънода методика ўзида микротехнологияни ифодалайди: алгоритм, йўл-йўриқ, қандайдир кичикроқ натижаларга эришиш учун қўлланиладиган хатти-ҳаракатлар кетма-кетлигига риоя қилиш ва мазмунни назорат қилиш (малакаларни шакллантириш методикаси, топшириқ ечимини топиш, иншо ёзиш, тажриба-синовлар ўтказиш, психологик-педагогик тренинг методикаси ва б.).

Қайд этилган барча турли-туман жиҳатлар оқибатида, баъзан методика технологиянинг таркибига кириб кетади, баъзан эса бунинг акси бўлади, яъни у ёки бу технология ўқитиш методикаси таркибига кириб қолади.

Масалан: ҳисоблаш методикаси лаборатория ишлари технологияси таркибига, лаборатория ишлари технологияси эса ўқув предметини ўқитиш методикаси қисмига айланиб қолади.

Энциклопедияда алоҳида технологияларни тавсифлашда «методиканинг хусусиятлари» ёки «Методик хусусиятлар» — атамаси қўлланилган. «Методика» атамаси ушбу ўринда бирмунча жамловчи мазмун касб этиб. ушбу технологияда қўлланиладиган метод ва воситалар, микротехнологиялар, метод ва методик усулларнинг характерли хусусиятлари йиғиндисини англатади.

Педагогик техника ва технология. Педагогик амалиётда нисбатан кўпроқ қўлланиладиган «Педагогик техника» ибораси - мажмуавий касбий кўникма, таълим ёки тарбия субъектлари орасидаги ўзаро таъсирланувчи усуллар кўпроқ; микротехнология

тушунчасига мос келади.

Масалан: интервью олиш, тажриба-синовларини намойиш этиш техникаси.

Афсуски, бугунги кунда умумпедагогик эътирофга сазовор бўлган категориал тезауруслар мавжуд эмас, педагогик амалиётда доимо айрим технологиялар тўғридан-тўғри тасдиқлаш мумкин бўлган атама-ёрликлар ўрнида қўлланилавермайди (масалан тарбиянинг жамоавий усули, Макаренко методикаси ва б.). Шу сабабдан, ҳозирча тушунчаларни мураккаблаштирувчи атамавий ноаниқликлар бартараф этилмаган.

Таълим мазмуни ва технология. Ҳозирги пайтда педагогикада таълим тизимидаги мавжуд мазмунли ва жараёнли компонентлар: мақсад, мазмун, метод, шакл, таълим воситаларининг бирлиги ҳақидаги тасаввурлар тасдиқланмоқда Педагогик технологиянинг вариативлиги ва мукаммаллашуви жараёнларида муайян қисмлари — турли даражада чекланганлиги кузатилмоқда. Бунда кўпроқ таълимнинг жараёнли жиҳатлари устунлик қилиб, мазмун эса фақат тузилиши, миқдори, мантиқи жиҳатидангина ўзгаради. Таълим мазмуни таълим технологияларининг моҳиятини ифодаловчи қисм сифатида аксарият унинг жараёнли ҳолатларини акс эттиради. Лекин метод ва шакллардаги чуқур ўзгаришлар мақсад ва мазмуннинг ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатишини қайд этиш зарур. Шу тарзда, таълим технологияларининг мазмуни ва жараёнлари ўзаро боғлиқ бўлиб уйғун ҳолда бир-бирини акс эттиради.

Улар орасида яна бир бевосита алоқадор компонент мавжуд бўлиб, бу мактаб дарслигидир. У таълим мазмунини технологиянинг жараёнли ҳолатини аниқлашда, уларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Сўнгги йиллар натижада улар назарий жиҳатдан турли-туман педагогик технологияларни танлаш тенденцияси таълим амалиётига кириб келди. Ундан ташқари дарсликлар (дарслик мажмуалар)нинг мутлақо янги сифатга эга бўлган у тўпламлари муаллифлик технологияларини аниқлашга ҳам имкон бермоқда.

Технология ва таълим модели. Модел атамаси бир қанча тизимлар (намуна, мисол, тимсол-образ конструкция) ни ўзида ифодалайди ва бошқа тизимларга хос хусусият ва муносабатларни (улар аксарият ҳолларда ўзига хослик деб аталади) ҳам акс эттиради, ушбу ўзига хослик моделга хос хусусият ва муносабатларга сингишиб кетади. Чунончи, агар ахборот моделлари ҳақида гап кетса, у ҳолда улар тилнинг хос объектлари - ахборотни кодлаштиришни ҳам ўз ичига олади. Педагогик адабиётларда модел ҳақида турлича тасаввурлар мавжуд, хусусан:

- модел мактаб жамоатчилиги ҳаётий фаолиятини ташкил этишнинг услуби эканлиги;
- модел билимларни ўргатишга оид тажрибалар ва педагогик фаолиятни қайта фикрлашга имкон туғдирувчи намуна (аниқроғи тимсол- образ) эканлиги;
- модел мактаб таълими муқобиллари (ёки унинг фарқданувчи хусусияти) ҳамда тузилмаси ва янги шаклини ифодаловчи тузилма эканлиги;
- модел ахборот тажриба-синовлар шакллариининг тизими эканлиги;
- модел мактабни ривожлантириш лойиҳа режимининг концептуал асослови эканлиги;
- модел маданий меъёрларни ривожлантирувчи ва ҳаётга татбиқ қилувчи ташкилий тузилма эканлиги.

Технология ва маҳорат. Ягона технология у ёки бу ижрочи томонидан, айнан кўрсатма (йўл-йўриқ) бўйича, ёки ижодий асосда амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолатда, албатта, маҳорат эгаси (ушбу ўринда, ўқитувчи)нинг шахсий сифатларни таъсирини инкор этиб бўлмайди, лекин бунда ҳам асосий нарса - ўқув материални ўзлаштириш қонуниятини тавсифловчи, ўқувчи фаолияти изчиллиги ва тузилишини ифодаловчи компонент бўлиб қолаверади. Албатта, натижаларда фарқ бўлади, лекин улар бир қанча ўртача статистик даражасига кўра ўзаро бир-бирига яқин бўлиб, бу эса мазкур ўртада қўлланилган технологиянинг хусусиятини ифодалайди. Шу тарзда технология педагогнинг шахсий хусусиятларига боғлиқ, бўлади, лекин таълим натижалари айнан ўқитувчи маҳорати билан тўлиқ боғлиқ, деб эътироф этилмайди.

Баъзан маҳоратли педагог ўз ишида бир қанча технологияларга хос компонентларни қўллайди, ўзига хос янгича методик усуллардан фойдаланади. Бундай ҳолда бемалол мазкур педагогнинг «муаллифлик» технологияси ҳақида сўз юритиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Матросов В.Л. и др. Интенсивные педагогические и информационные технологии. — М.: Прометей, 2000. — 354 с.
2. Мухина С.А., Соловьева А.А. Современные инновационные технологии обучения.

- М.: ГЭОТАР. – Медиа, 2008.
3. Селевко Г.К. Педагогические технологии на основе активизации, интенсификации и эффективного управления УВП. М.: Школьные технологии. 2005. 283 с.